

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ****Бўстон тумани****2023 йил 25 август**

Бўстон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Абдухаликов раислигида, судья ёрдамчиси Ф.Тургуновнинг котиблигида, Шахрихон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши даъвогар [REDACTED] манфаатида жавобгар [REDACTED] га нисбатан тақдим этган даъво аризасини кенгаш вакили З.Абдуллаева (ишончнома асосида) ва даъвогар хўжалик раҳбари Ғ.Қобилов (паспорт асосида)нинг иштирокида, Бўстон туманлараро иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Шахрихон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (кейинги ўринларда матнда “Кенгаш” деб аталади) [REDACTED] (кейинги ўринларда матнда “Даъвогар” деб аталади) манфаатида судга даъво ариза тақдим қилиб, [REDACTED] (кейинги ўринларда матнда “Жавобгар” деб аталади)дан 143 885 250 сўм пахта хом-ашё маҳсулот ҳақи ва 71 942 625 сўм пеня ундиришни сўраган.

Кенгаш вакили суд мажлисида кўрсатма бериб, даъво аризада қайд этилган важларни такрорлаб, жавобгар пахта хом-ашёси ҳаққини белгиланган муддатда хўжаликка топширмаганлигини, тўловни амалга ошириш юзасидан талабнома юборилганлигини, жавобгар суд кунига қадар тўлов амалга оширмаганлигини билдириб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Даъвогар хўжалик раҳбари суд мажлисида кўрсатма бериб, жавобгар етказиб берилган пахта хом-ашёси учун келишилган муддатда тўловларни тўлиқ амалга оширмаганлигини билдириб, қолдиқ 143 885 250 сўм қарз ва пеняни ундириб беришни сўради.

Жавобгар вакили судга тақдим қилган аризасида ишни ўзининг иштирокисиз кўришни сўради.



Суднинг 2023 йил 11 августдаги ажрими билан ишга Андижон вилоят Қишлоқ хўжалик бошқармаси ҳамда Шаҳрихон туман ҳокимлиги мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб этилган.

Ишга мустақил талаблар билан арз қилмайдиган 3-шахс сифатида жалб қилинган Андижон вилоят Қишлоқ хўжалик бошқармаси ҳамда Шаҳрихон туман ҳокимлигига суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида суд ажрими етказилган. Бироқ уларнинг вакиллари суд мажлисига келмади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда матнда “ИПК” деб аталади) 128, 170-моддаси талабларига асосан ишни жавобгар вакили ва ишга мустақил талаблар билан арз қилмайдиган 3-шахс сифатида жалб қилинган Андижон вилоят Қишлоқ хўжалик бошқармаси ҳамда Шаҳрихон туман ҳокимлиги вакилининг иштирокисиз кўришни лозим топади.

Суд, ишда иштирок этувчи шахсларнинг кўрсатмаларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Аниқланган ҳолатларга кўра, тарафлар ўртасида 2022 йил 28 февралда №157-сонли “Пахта хом ашёси ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича шартномаси” тузилган. Мазкур шартномага асосан даъвогар жавобгарга 2022 йил 31 декабрга қадарли 26,2 гектар ер майдонида 99,5 тонна пахта хом ашёси етказиб бериш, жавобгар эса уруғлик чигит билан таъминлаш, шартноманинг умумий қийматининг “Хўжалик”нинг талабидан келиб чиқиб, камида 50 фоизи миқдорида бўнак (аванс) маблағларини хўжаликнинг шартномада кўрсатилган ҳисоб-рақамига пул ўтказиш орқали ойма-ой тўлаб бериши, йиғим терим мавсумида харидор томонидан хўжаликка топширилган пахта хом-ашёси учун мутаносиб равишда (қўл терими учун) терим пулларини кунлик ёки беш кунликда таъминлаш, 2022 йил 31 декабрь кунига қадарли топширилган маҳсулот ҳақини аванс тўлови ва бошқа харажатларидан чегирилганидан қолган қисмини амалга ошириш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 4-бўлимида тарафлар 2022 йил харид нархлари маълум қилингунга қадар шартнома 2021 йил ўртача харид нархлари (2-сорт 1 синф) бўйича шартнома тузиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 6 март кунги ПҚ-4633-сонли қарорининг 3-бандида: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан биргаликда жаҳон бозори нархлари таҳлилидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил ҳосили учун кутилаётган минимал нархлар



эълон қилинишини ҳамда бозорлардаги нархлар ўзгаришидан келиб чиқиб, ҳар чоракда ушбу нархларга тузатишлар киритилишини таъминласин деб кўрсатилганлигини ушбу шартнома шартларида инобатга олинишлигига келишилган.

Жавобгар етказиб берилган пахта хом ашёлари учун тўлиқ тўловни амалга оширмасдан қарздорликка йўл қўйган.

Кенгаш томонидан жавобгарга етказиб берилган пахта хом-ашёси учун қарздорликни ихтиёрий тўлаб бериш юзасидан талабнома топширилган. Бироқ талабнома оқибатсиз қолдирилган.

Даъвогар билан жавобгарни ўртасида солиштирма далолатнома расмийлаштирилган бўлиб, унга кўра даъвогарни жавобгардан 143 885 250 сўм ҳақдорлиги мавжудлиги кўрсатилган.

Жавобгарнинг қарздорлиги ишдаги мавжуд ҳужжатлар, шартнома, ҳисобварақ-фактура, пахта хариди учун қабул варақалари, солиштирма далолатнома билан ўз тасдиғини топади.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (кейинги ўринларда “ФК” деб аталади) 236-моддасига кўра, мажбурият шартларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 465-моддасига кўра, контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Юқоридагиларга асосан суд, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 143 885 250 сўм ундиришни лозим топади.

Шунингдек, даъвогар шартнома 5.4-бандининг иккинчи қисмига асосан тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун муддати ўтказиб юборилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида 71 942 625 пеня ундиришни сўраган. даъвогар шартноманинг мазкур банди талабига кўра пеня талаб қилишга ҳақли.

Зеро, ФКнинг 333-моддасига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда, мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

ФКнинг 326-моддасига кўра агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли. Бунда қарздор мажбуриятни



кай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи эътиборга олинishi керак.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2007 йил 15 июнь кунги “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақидаги” 163-сонли Пленум қарорида Судлар неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шарт деб белгиланган.

Юқоридагиларга асосан суд пеня ундириш талабини муҳокама қилиб, жавобгар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини 86 фоиздан ортиғини судгача бажарганлигини, деярли жавобгар томонидан шартнома интизомига риоя этилганлигини, ҳозирда жавобгар моддий имконияти яхши эмаслиги сабабли пахта хом-ашёси терими учун банк томонидан ажратилган кредит тўловларини ҳам қайтара олмайётганлигини инобатга олиб, 12 000 000 сўм миқдорида пеня ундиришни лозим топади.

Суд ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд ҳаражатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш масаласини муҳокама қилиб, жавобгардан Республика бюджетига давлат божи тўловини ундиришни лозим топади.

Зеро, ИПКнинг 118-моддасига кўра, суд ҳаражатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади. Даъвогарнинг талаблари у судга мурожаат қилганидан сўнг жавобгар томонидан ихтиёрий равишда қаноатлантирилса, суд ҳаражатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилади. Агар даъвогар томонидан билдирилган неустойкани ундириш ҳақидаги талаб асосли бўлиб, бироқ унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқдан фойдаланилган ҳолда суд томонидан камайтирилган бўлса, суд ҳаражатларининг камайтилиши ҳисобга олинмаган ҳолда ундирилиши лозим бўлган неустойка суммасидан келиб чиққан ҳолда, суд ҳаражатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилиши лозимлиги белгиланган.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 128, 170, 176-179-моддаларини қўллаб,

қ а р о р қ и л а д и:

Даъво қисман қаноатлантирилсин.

_____ хисобидан:



- [REDACTED] фойдасига 143 885 250 сўм асосий қарз ва 12 000 000 сўм пеня;

- Республика бюджетига 4 316 557,5 сўм давлат божи;

- Шахрихон туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фойдасига олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Даъвони қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон бир ой муддатда шу суд орқали Андижон вилоят суди иқтисодий судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят келтириши мумкин.

Раислик этувчи

Ш.Абдухаликов

